

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати

2026 йил январь-апрель

- I. Саноат ишлаб чиқариши
- II. Инфляция даражаси ва истеъмол нархлари индекси
- III. Бажарилган қурилиш ишлари
- IV. Чакана савдо товар айланмаси
- V. Ташқи савдо айланмаси
- VI. Кўрсатилган бозор хизматлари
- VII. Корхона ва ташкилотлар сони



I. Саноат ишлаб чиқариши

2026 йилнинг январь-апрель ойларида республика корхоналари томонидан **394 674,0** млрд сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ва саноат ишлаб чиқариши индекси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **107,8 %** ни ташкил этди.

Шу билан бирга, саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида ишлаб чиқарадиган саноатнинг улуши **85,8 %**, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш саноати **7,0 %**, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш **6,7 %**, сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш **0,5 %** ни ташкил этди.

Саноат ишлаб чиқариши ўсишининг асосий омили бу – ишлаб чиқарадиган саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **8,5 %** га, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашда **3,3 %** га, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш саноатида **6,4 %** га, сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш саноатида физик ҳажм индекси **6,4 %** га ошганлигидир.

Қайта ишлаш саноати ҳажмларининг ўсишига бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши (2025 йилнинг январь-апрель ойларига нисбатан **2,06**.), шунингдек, бошқа транспорт ускуналари ишлаб чиқаришнинг ўсиши (**1,76**.) сезиларли таъсир кўрсатди.

Шу билан бирга, металлургия саноати корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажми камайган (**96,6 %**).



II. Инфляция даражаси ва истеъмол нархлари индекси

2026 йил январь-апрель ойларида республика истеъмол секторидаги инфляция даражаси **2,5 %** ни ташкил этди.

2026 йил январь-апрель ойларида озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўртача **4,0 %** га қимматлашиб, инфляция даражасига **1,63** фоиз пункт (ф.п.) таъсир қилган бўлса, ноозиқ-овқат маҳсулотлар нархлари ушбу даврда **1,2 %** га қимматлашиб, умумий кўрсаткичга **0,39** ф.п. таъсир қилган, хизматлар эса **1,9 %** га қимматлашиб, умумий кўрсаткични **0,51** ф.п. ошишига таъсир кўрсатган.

2025 йилнинг декабрига нисбатан ИНИ юқори чегараси **142,4 %** ни (“Суғурта ва молиявий хизматлар”), куйи чегараси эса **100,3 %** ни (“Таълим соҳасидаги хизматлар”) ташкил этди.

2026 йилнинг январь-апрель ойларида йиғма истеъмол нархлари индексининг ўсишига “Озиқ-овқат маҳсулотлари ва алкогольсиз ичимликлар” бўлимидаги нарх ўзгаришлари энг катта ҳисса қўшди – **1,56** ф.п. ёки умумий таъсирнинг **61,7** фоизи. “Маиший товарлар ва хизматлар, турли товарлар ва хизматлар” ҳамда “Уй-жой хизматлари, сув, электр энергияси, газ ва бошқа ёқилғи турлари” бўлимида умумий кўрсаткичга ҳар бири **0,15** ф.п. қўшимча таъсир кўрсатди. “Суғурта ва молиявий хизматлар” бўлимида нархларнинг ошиши ҳисобига йиғма истеъмол нархлари индекси яна **0,12** ф.п. га кўтарилди. Бошқа бўлиmlарнинг жами таъсири **0,55** ф.п.ни ташкил этди.



III. Бажарилган қурилиш ишлари

2026 йилнинг январь-апрель ойларида **84 439,5** млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, 2025 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати **114,1 %** ни ташкил этди. Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг **21 627,9** млрд сўми ёки **25,6 %** йирик корхона ва ташкилотлар томонидан, **39 614,7** млрд сўми ёки **46,9 %** кичик корхоналар ва микрофирмалар томонидан, **23 196,9** млрд сўми ёки **27,5 %** норасмий сектор субъектлари томонидан бажарилди.



IV. Чакана савдо товар айланмаси

2026 йилнинг январь-апрель ойларида чакана савдо товар айланмаси **165 865,8** млрд сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **22,9 %** га ўсди.

Йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси 2025 йилнинг январь-апрель ойига нисбатан **26,1 %** га ўсди, бу эса умумий савдо ҳажмининг **17,8 %** улушига тўғри келади. Кичик бизнес субъектларининг чакана товар айланмаси 2025 йилнинг январь-апрель ойига нисбатан **21,3 %** га ўсган. Республика миқёсида ушбу секторнинг жами чакана савдо товар айланмасидаги улуши **68,6 %** ни, уюлмаган савдо товар айланмаси **13,6 %** улуш билан **22 564,8** млрд сўмни ташкил этди.



V. Ташқи савдо айланмаси

2026 йилнинг январь-апрель ойлари якуни билан республиканинг ташқи савдо айланмаси **26 332,0** млн АҚШ долларини ташкил этиб, 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **1 437,0** млн АҚШ долларига ёки **5,8 %** га кўпайди. Экспорт ҳажми **9 973,8** млн АҚШ долларига етди, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **16,8 %** га тушди. Импорт **16 358,2** млн АҚШ долларига етиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **26,7 %** га ошди.

Экспорт таркибида товарлар улуши **65,3 %** ни ташкил этди, шу жумладан саноат маҳсулотлари – **14,4 %**, кимёвий воситалар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар – **8,1 %**, ҳар хил тайёр маҳсулотлар – **7,9 %** ва озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар – **7,5 %** бўлди.

Импорт таркибида асосий улушни машиналар ва транспорт ускуналари (**33,7 %**), саноат товарлари (**14,1 %**), шунингдек, кимёвий моддалар ва уларга ўхшаш маҳсулотлар (**12,4 %**) ташкил этди.



VI. Кўрсатилган бозор хизматлари

2026 йилнинг январь-апрель ойларида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми **406 368,7** млрд сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **16,6 %** га ўсди.

Кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмининг ўсишига асосий омил савдо соҳасида ишлаб чиқариш хизматларининг **13,9 %** га (кўрсатилган умумий бозор хизматлари ҳажмининг ўсишидаги таъсири – **3,6** ф.п.), молиявий хизматларнинг **23,8 %** га (ўсишдаги таъсири **3,6** ф.п.), транспорт хизматларининг **15,0 %** га (ўсишдаги таъсири **2,6** ф.п.), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг **14,0 %** га (ўсишдаги таъсири **2,3** ф.п.), шунингдек, алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг **22,3 %** га (ўсишдаги таъсири **1,6** ф.п.) ўсиши бўлди.

Кўрсатилган бозор хизматларининг энг катта ҳажми савдо соҳасида кўрсатилган хизматлар (**101 768,7** млрд сўм, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати – **113,9 %**)га, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (**69 143,7** млрд сўм, ўсиш суръати **114,0 %**)га, транспорт хизматлари (**66 910,2** млрд сўм, ўсиш суръати **115,0 %**)га ва молиявий хизматлар (**65 559,0** млрд сўм, ўсиш суръати **123,8 %**)га тўғри келди.



VII. Корхона ва ташкилотлар сони

2026 йил 1 май ҳолатига республикада фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг сони **490,9** мингтани (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари) ташкил этди, улардан кичик корхона ва микрофирмалар **420,9** мингта. Худудлар бўйича жойлашган энг кўп сони эса Тошкент шаҳри (**110 753** та), Тошкент (**48 349** та), Самарқанд (**42 691** та), Фарғона (**38 726** та), Қашқадарё (**31 572** та), Бухоро (**29 877** та) ва Хоразм (**28 566** та) вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг энг кўп сони савдо соҳасида – **158 483** та, саноат соҳасида – **61 436** та, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги соҳасида – **37 826** та, қурилиш соҳасида – **31 489** та ҳамда яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида – **32 266** тани ташкил этди.

2026 йил январь-апрель ойларида республикада **31,5** мингта корхона ва ташкилотлар янги ташкил этилди, шундан **30,9** мингтаси кичик корхона ва микрофирмалардир.

2026 йил 1 май ҳолатига кўра республикада чет эл инвестициялари иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналар сони **19 490** тани ташкил этди. Уларнинг **4 427** таси қўшма корхоналар ва **15 063** таси хорижий корхоналардан иборат.

Тайёрлаш учун масъул:
Статистика маълумотларини
тарқатиш бошқармаси

Манзил: 100170, Тошкент,
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63
Контактлар: info@stat.uz
Тел.: +998 71 203-80-00 (1045)

